

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ХАКИМОВ АЗИЗБЕК АБДИЛАЛИМ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ
ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

УДК: 336.5: 6.01(575.1)

**Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economical
Sciences**

Хақимов Азизбек Абдилалим ўғли

**Тижорат банклари инновацион фаолиятининг ташкилий механизмлари
такомиллаштириш3**

Хақимов Азизбек Абдилалим ўғли

**Совершенствование организационных механизмов инновационной деятельности
коммерческих банков29**

Khakimov Azizbek Abdilalim ugli

Improving organizational mechanisms for innovative activities of commercial banks55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.1.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ХАКИМОВ АЗИЗБЕК АБДИЛАЛИМ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ
ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1067 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Раҳманов Зафар Яшинович
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Расмий оппонентлар: Насимов Дилмурод Абдуллаевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Тоғиев Раҳматилла Раҳмонович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «02» 02 куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел. (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (12 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел. (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «01» 01 да тарқатилди.
(2023 йил «11» 01 даги 12 рақамли реестр баённомаси.)



А.Ш. Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

А.Х. Холов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори, доцент

Д.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
ранси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий шароитда иктисодиёт субъектлари ва аҳолининг ахборот-коммуникацион технологиялари асосида масофадан кўрсатилаётган молиявий хизматларга бўлган талаби кескин ошиб бормоқда. Мазкур ҳолат инновацион лойиҳалар ва ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича етакчи соҳалардан бири бўлган банк секторида электрон платформаларни ривожлантириш, хусусий экотизимларни шакллантириш ва шу аснода бошқарув тизими ҳамда бизнес-моделларни такомиллаштиришга бўлган эътиборни кучайтирди. Хусусан, дунёнинг энг йирик молиявий муассасаларидан бири бўлган «Bank of America» маълумотларига кўра, «жами депозитларнинг 84 фоизи рақамли каналлар орқали қабул қилинган, инновацион технологиялар учун 10 млрд. доллар маблағ сарфланган, шундан 3 млрд. доллари ходимларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган»¹.

Бугунги кунда банк хизматлари бозорида юз бераётган трансформацион жараёнлар натижасида тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва тартибга солиш масалалари илмий-амалий тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, аънавий банк хизматлари бозорига юқори технологик компанияларнинг кириб келиши натижасида янги трендлар ва тенденцияларнинг юзага келиши, банк фаолиятини кўп каналли хизматлардан бир каналли хизматлар тамойили асосида ташкил этиш, миқозларнинг турмуш тарзига оид хизматларнинг кенг қўланилиши, шунингдек, банкларида инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш учун банк тизимини трансформациялаш жараёнларини фаоллаштириш бўйича эътиборга молик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларидан ортада қолиши, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пассивларни бошқариш, миқозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиши кузатилмоқда»². Шу боисдан, тижорат банкларида инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон

¹https://d1i03yog0oux5.cloudfront.net/bankofamerica/files/pages/bankofamerica/db/809/content/BAC_2020_Annual_Report.pdf

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоблигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3066-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмларини шакллантиришнинг фундаментал асослари М.Блауг, М.Кастельс, Ф.Махлуп, П.Ромер, Ф.Тейлор, Э.Фелпс, Т.Шульц, Й.Шумпетер, А.Файоль, Г.Эмерсон ва бошқа олимларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Бизнес субъектлари IT-инфратузилмасини такомиллаштиришда электрон платформалар ва экотизимларнинг имкониятларидан кенг қўламли фойдаланишнинг назарий-услубий муаммолари А.Асадулла, Е.Бигне, Н.Венкатраман, Г.Висла, М.Джаррахи, Ж.Зисман, А.Канканхалли, М.Кенни, Р.Клейнханс, Ли Жи., Л.Матиассен, Ж.Нельсон, Б.Рамеш, К.Ролланд, У.Сазерленд каби олимлар томонидан илмий таҳлил этилган³.

Тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишга оид масалалар N.Fenwick, B.King, M.Гальпер, Л.Кох, Л.Магомаева, О.Попова⁴ ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларда ўрганилган.

Тижорат банкларида инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларига оид илмий тадқиқотлар ўзбекистонлик бир қатор олимлар, хусусан С.Гулямов, Ф.Додиев, Э.Хошимов, Д.Рахмонов, З.Рахманов, З.Умаров, Х.Раҳматов, О.Алиқориев, А.Ортиқов, З.Мамадияров, М.Атаниязова⁵лар томонидан амалга оширилган.

³ Asadullah A., Faik I., Kankanhalli A. Digital Platforms: A Review and Future Directions. PACIS. 2018. – 248 p.; Basole R.C. Structural analysis and visualization of ecosystems: A study of mobile device platforms. AMCIS, 2009. Proceedings. 2009. – 292 p.; Deborah J. Jackson. What is an Innovation Ecosystem? National Science Foundation, Arlington, VA. 2014.

⁴ Fenwick, N. The 2016 Guide to Digital Predators, Transformers, And Dinosaurs. The Benchmark: The CIO Digital Business Transformation Playbook, 2016. – 209 p.; King, B. Bank 4.0: banking everywhere, never at bank. – Singapore: Marshall Cavendish Business, 2018. – 347 p.; Гальпер М.А. Трансформация банка в условиях глобальной неустойчивой среды: Дис. ... д-ра экон. наук. – Санкт-Петербург: 2020.; Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций: Автореф. дис. ... д-ра экон. наук. – Иваново: 2010.; Магомаева Л.Р. Банковские инновации в условиях цифровой экономики: теория и практика: Дис... д-ра экон. наук. – Владикавказ: 2020.; Попова О.А. Управление развитием инновационной экосистемы на основе платформенной концепции: Дис... канд. экон. наук. – Воронеж: 2021.

⁵ Гулямов С.С. Пандемия оқибатларини бартараф этишда инновацион иқтисодийнинг аҳамияти. // Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Тошкент, 2020. – № 2.; Dodiev, F. and Yusupova, D. (2020) «Innovative development of banks in Uzbekistan», International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 5, Article 9.; Rahmonov D.A., Xoshimov E.A., Alimardonov E.D., Bekmurodova G.A., Mamadiyarov Z.T. (2018). Molaviyaviy

Аммо, мазкур илмий изланишларда тижорат банклари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш йўналишлари ўрганилганлигига қарамадан, мамлакатимиз банк тизими ва унда шаклланган IT-инфратузилмасининг ўзига хос бўлган хусусиятларини эътиборга олган ҳолда инновацион фаолиятни ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида МУ-ПЗ-20171025188 «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашиш» мавзусидаги давлат амалий тадқиқотлар лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари инновацион фаолиятини ташкилий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг иқтисодий мазмунини очиб бериш;

тижорат банклари инновацион фаолиятининг ташкилий механизмларини ишлаб чиқишга нисбатан услубий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

тижорат банкларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш;

тижорат банклари фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва асосий тенденцияларни аниқлаш;

банклараро тўлов тизими ва нобанк тўлов ташкилотлари фаолиятининг динамик таҳлилин аналга ошириш;

тижорат банклари инновацион фаолиятини баҳолаш услубларини тадқиқ қилиш;

globallashuv sharoitida masofaviy bank xizmatlarining rivojlanishi: nazariya va amaliyot. Monografiya. – Toshkent: Iqtisodiyot. – 127 b.; Raxmonov D.A., Xoshimov E.A., Alimardonov E.D., Bekmurodova G.A., Mamadiyarov Z.T. (2018). Molaviyaviy globallashuv sharoitida masofaviy bank xizmatlarining rivojlanishi: nazariya va amaliyot. Monografiya. – Toshkent: Iqtisodiyot. – 127 b.; Raxmanov Z.Y. Tижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг методологик асосларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Иқтисодий ва инновацион технологиялар. – Тошкент, 2018. – № 5.; Умаров З. Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш. finance.uz, 22-03-2019. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/4490-zafarumarov-yangi-bank-xizmatlari-ularni-rivojlantirish>; Раҳматов Х.У. Тижорат банклари тизимдаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматлари: хориж тажрибаси. Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент: 2019. – № 3.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари: Иқтисод. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: 2011. – 28 б.; Ортиқов А.О. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари: Иқтисод. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: 2009. – 19 б.

тижорат банкларида инновацион фаолиятни илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш имкониятларини баҳолаш;

тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкилий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг инновацион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкилий механизмларини такомиллаштириш жараёнидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракциялаш, гурухлаш, индукция ва дедукция, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш ва бошқа усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида инновацион ишланмалар кўламини кенгайтириш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадида инновацион фаолиятдан олинган даромаднинг бир фоизи миқдорида мукофотлаш таклифи асосланган;

ягона биометрик тизимни шакллантириш ва операцион рискларни бошқариш мақсадида банк кузатув Кенгаши таркибида инновацион фаолиятни ривожлантириш кўмитасини ташкил этиш таклифи илмий асосланган;

жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган инновацион банк хизматлари ассортиментини 23 фоизга ошириш мақсадида SAP BW, SAP BO ва FSAP молиявий технологияларини миллий ҳисоб ва аудит стандартларига мослаштирган ҳолда жорий этиш таклифи асослаб берилган;

тижорат банкларининг инновацион инфратузилмасини такомиллаштириш орқали операцион рентабеллик даражаси (CIR)ни 62,7 фоизга етказиш ва масофавий сотиш каналларини ривожлантириш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари фаолиятида «банк инновацияси», «инновацион инфратузилма» ва «инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмлари» тушунчаларининг иқтисодий моҳияти очиб берилган;

тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва инновацион фаолиятга таъсир этувчи тенденциялар аниқланган;

инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича хорижий банклар тажрибасини Ўзбекистон банклари фаолиятига жорий этиш йўллари таклиф этилган;

тижорат банкларининг инновацион рақобатдошлигини мустаҳкамлаш мақсадида инновацион фаолиятни ташкилий механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва тижорат банкларининг статистик маълумотларидан олинганлиги, шунингдек, тегишли

хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланиш натижаси асосида олинган илмий хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар банкларнинг инновацион фаолияти соҳасидаги муаммоларга бағишланган илмий изланишларга асос бўлиши, инновацион банк хизматларини ривожлантириш масалаларига оид услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг банк амалиётига жорий этилиши натижасида банкларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шунингдек, тўпланган материаллардан «Банк иши», «Банк менежменти» ва «Пул ва банклар» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

тижорат банкларида инновацион ишланмалар кўламини кенгайтириш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадида инновацион фаолиятдан олинган даромаднинг бир фоизи микдориди мукофотлаш таклифи «Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банки амалиётига жорий этилган («Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банкнинг 2021 йил 18 ноябрдаги 01/11254-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ҳисобига банкда ҳисобварақларга эга бўлган жисмоний шахсларнинг 96 фоизи масофавий банк хизматларини сотиш каналларига уланди, бунинг натижасида эса банкнинг жами даромадлари таркибида комиссия даромадларнинг салмоғи 28 фоизгача ошди;

ягона биометрик тизимни шакллантириш ва операцияларнинг рискларни бошқариш мақсадида банк кузатув Кенгаши таркибида инновацион фаолиятни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш таклифи «Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банки амалиётига жорий этилган («Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банкнинг 2021 йил 18 ноябрдаги 01/11254-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифдан банк томонидан бутун республика ҳудудиди мижозларни Ipak Yo'li Mobile электрон платформасида идентификациялаш ва шу орқали банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган кичик POS-офислар тармоғини ташкил этишнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши натижасида банкнинг масофавий сотиш каналларидан фойдаланувчи мижозлар сонини 12 фоизга ошириш имконияти яратилади;

жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган инновацион банк хизматлари ассортиментини 23 фоизга ошириш мақсадида SAP BW, SAP BO ва FSAP молиявий технологияларини миллий ҳисоб ва аудит стандартларига мослаштирган ҳолда жорий этиш таклифи «Ипак йўли» акциядорлик

инновацион тижорат банки амалиётига жорий этилган («Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банкининг 2021 йил 18 ноябрдаги 01/11254-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида

2021 йилнинг 1 июл ҳолатига «Irak yo'li mobile», «Интернет банкинг» ва «Irak yo'li for business» электрон платформалари орқали кўрсатилаётган масофавий хизматлар тури 16 тага етказилган. Натижада, масофавий хизматлар кўламининг кенгайиши ҳисобига CIR (Cost/Income ratio) операцион харажатлар самарадорлиги кўрсаткичи 2020 йилда 48 фоизни ташкил этган;

тижорат банкларининг инновацион инфратузилмасини такомиллаштириш орқали операцион рентабеллик даражаси (CIR)ни 62,7 фоизга етказиш ва масофавий сотиш каналларини ривожлантириш таклифи «Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банки амалиётига жорий этилган («Ипак йўли» акциядорлик инновацион тижорат банкининг 2021 йил 18 ноябрдаги 01/11254-сонли маълумотномаси). Натижада 2021 йил якунига кўра, P2P (пластик картадан пластик картага) операциялари ҳажмини 886 млрд. сўмдан 1 800 млрд. сўмгача, хорижий валютани сотиш операциялари (пластик карта орқали конверсия) ҳажмини 88 млрд. сўмдан 110 млрд. сўмгача оширишга, шунингдек, ROA (активлар самарадорлиги) кўрсаткичини 4,3 фоиз ҳамда ROE (капитал самарадорлиги) кўрсаткичини 24,4 фоиз даражада бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шундан, 3 та ОАК эътироф этган маҳаллий журналда, 2 та халқаро журналда, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференциясида маъруза тезислари чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан Кириш, учта боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилиниб, тадқиқот усуллари очиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, жорий қилиниши ҳамда апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Тижорат банкларида инновацион

фаолиятни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари» деб номланиб, унда тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, инновацион фаолиятни тартибга солишнинг меъёрий-ҳукукий асослари, шунингдек, банklar инновацион фаолиятининг ташкилий механизмларини ишлаб чиқишга нисбатан услубий ёндашувларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Илмий ва амалий манбалар таҳлили кўра, «банк инновацияси» тушунчаси юзасидан ягона талкин ва ёндашув мавжуд эмас. Мазкур манбаларда келтирилган хулоса, тақлиф ва тавсияларни умумлаштирган ҳолда «банк инновацияси» тушунчасининг иқтисодий моҳиятига нисбатан асосий тўртта илмий ёндашув мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

Биринчи ёндашув доирасида инновациялар замонавий банк маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш манбаси сифатида ўрганилган. Хусусан, банklar ва молия институтлари томонидан инновациялар таҳлили мавжуд имкониятларга мос келиши нуктаи-назаридан тадқиқ этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад кўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш ва даромадлилик даражасини ошириш ҳисобланади⁶.

Иккинчи ёндашув бўйича банк инновацияси қўлланиладиган фаолият сегментини аниқлашга эътибор қаратилган. Хусусан, миқдорлар базасини кенгайтириш, рақамли процессинг операциялари оммабоплигини таъминлаш, иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш мақсадида автоматлаштирилган банк тизимлари ва инновациялари ўртасида интеграцион алоқаларнинг узвийлигини шакллантириш муҳим аҳамият касб этган⁷.

Учинчи ёндашувда банк инновациялари кредит ташкилотида амалга оширилаётган бизнес жараёнлар нуктаи-назаридан ўрганилган. Тадқиқотларда қайд этилишича, банк фаолиятига рақамли инновацияларни жорий этиш мураккаб, кўп босқичли ва юқори харажатларни талаб этувчи жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам рақамли инновациялар энг йирик молиявий имкониятларга эга бўлган банklar томонидан қўлланилади⁸.

Тўртинчи ёндашув доирасида банк инновацияларини ишлаб чиқишда бошқарувнинг янги ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари ўрганилган. Хусусан, банк томонидан

⁶Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций: Автореф. дис... д-ра экон. наук. – Иваново: 2010. – С. 21.; Жданович В.В. Трансформация регулирования банковской деятельности в условиях развития цифровых технологий: Дис. ... канд. экон. наук. – Москва: 2021. – С. 65-69.; Муратова Л.Ф. Место цифрового банкинга в современной банковской системе и условия формирования в Республике Узбекистан. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – Тошкент: 2021. – № 2. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/4_Muratova.pdf

⁷Магомеева Л.Р. Банковские инновации в условиях цифровой экономики: теория и практика: Дис. ... док-ра экон. наук. – Владикавказ: 2020. – С. 26.; Группа Всемирного банка. Доклад о положении в области экономической интеграции, 2021. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/34917/211598ovRU.pdf?sequence=31>; Анализ пробелов в сфере науки, технологий и инноваций в Узбекистане. <https://unece.org/sites/default/files/2021>

⁸Европейский банк реконструкции и развития. «Годовой обзор за 2020 год. <https://www.ebrd.com/annual-review/>; Делойт Туш Томау лимитед. Год совместных усилий, сотрудничества и позитивных изменений для устойчивого развития. <https://www2.deloitte.com/ru/ru/pages/about-deloitte/articles/2021/impact-report-2021.html>; Юденко Ю.Н. Банковские инновации как элемент цифровизации экономики. <https://istina.msu.ru/publications/article/375527116/>

таклиф этилаётган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ошиб бориши, шунингдек, кредит ташкилотиди маъмурий-молиявий бошқарув инструментларини оптималлашуви аутсорсинг асосида функционал мажбуриятларнинг қайта тақсимланишига олиб келган⁹.

Тадқиқот натижаларига кўра, банк инновацияси – фаолиятни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга хизмат қиладиган, амалга оширилаётган операциялар ва бизнес жараёнларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имкониятига эга бўлган, аввал ҳеч қаерда қўлланилмаган интеллектуал фаолиятнинг якуний маҳсулоти¹⁰ деган хулосага келинди. Бунда шунини эътиборга олиш зарурки, FinTech лойиҳалари бевосита банкнинг ўзида шакллантирилиши ва амалга оширилиши лозим¹¹. Чунки бошқа ташкилотларда ишлаб чиқилган инновацион маҳсулотларни сотиб олиш ва амалиётга жорий этиш моҳиятан модернизациялаш сифатида талқин этилади.

Банк инновацияларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар инновацион инфратузилмани шакллантириш билан бир қаторда, инновацион экотизимни юзага келтиришга хизмат қилиши лозим. Яъни, банкнинг инновацион платформалари бошқа тизимларнинг электрон платформалари билан ўзаро алоқадорлик ва мослик тамойили асосида ишлашини таъминлаш, инновацион жараёнларга банк ходимлари ва жалб этилган мутахассислар ҳамда бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш инновацион экотизимни яратишдаги биринчи қадам бўлади (1-расм).

Тадқиқот натижаларига кўра, тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишда эътиборга молик бўлган бир қатор глобал ва миллий даражадаги тенденциялар мавжуд. Хусусан:

молия бозорлари ва тижорат банклари фаолиятига рақамли инновацияларни фаол кириб келиши натижасида глобал ва миллий даражадаги тартибга солувчи органлар учун янги вазифаларнинг юзага келиши. Бунга мос ҳолда банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитаси банклар фаолиятига финтех лойиҳаларни жорий этиш бўйича 2017 йилда «Банклар ва банк назорати органлари учун финтехнинг ривожланиши натижалари; самарали амалиёт («Sound practices: Implications of fintech developments for banks and bank supervisors»¹²)» номли тавсияномасини эълон қилган. Мазкур ҳужжатда банк фаолиятига рақамли инновациялар ва финтех-лоyiҳаларни жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган рисклар прогнози ва сценарийлари келтирилган;


⁹Strategic choices for banks in the digital age. <https://www.mckinsey.com/industries/financial-services/our-insights/strategic-choices-for-banks-in-the-digital-age>; Fintech by the numbers Incumbents, startups, investors adapt to maturing ecosystem. <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/Documents/financial-services/fintech-by-the-numbers.pdf>; Global FinTech Adoption Index, 2019 https://www.ey.com/en_gl/ey-global-fintech-adoption-index; Wyjciek D. Financial Geography I: Exploring FinTech – Maps and concepts // *Progress in Human Geography*. – 2021. – № 45(3). – 566-576. – DOI: 10.1177/0309132520952865

¹⁰Илмий изланишлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹¹Schueffel P. Taming the Beast: A Scientific Definition of Fintech// *Journal of Innovation Management*. 2017. V.4. Iss. 4

¹²<https://www.bis.org/bcbs/publ/d431.htm> маълумотлари асосида тайёрланган.

ижтимоий интеграциялашган рақамли инфратузилмани шакллантириш соҳасидаги чора-тадбирларнинг фаоллашуви. Ҳиндистоннинг Aadhaar рақамли идентификациялаш тизими тижорат банкларининг деярли барча турдаги хизматларини олиш имкониятини берса, Россия Федерациясининг тезкор тўловлар тизими, Мексикадаги CoDi ва Бразилиядаги PIX тизимлари кам харажат ёки бепул тарзда жисмоний шахслар, компаниялар ва давлат органлари ўртасида онлайн-тўловларни тўхтовсиз амалга оширишга ёрдам беради;



1-расм. Тижорат банклари инновацион экотизимининг таркибий элементлари¹³

рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида умумий стандартларни жорий этиш. Дунёнинг қўллаб мамлакатларида рақамли иқтисодиёт соҳасида монополияга қарши стандартлар ишлаб чиқилган ва улар истеъмолчиларга турли хил платформаларда ўз маълумотларини жойлаштириш ва бирдан иккинчисига ўтказиш имконини беради;

шахсий маълумотларни ҳимоялаш тизимини кучайтириш. Шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик мезонларининг аниқ ифодаланмаслиги натижасида технологик компаниялар

¹³Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

конфиденциал маълумотларни назорат қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Тадқиқот натижалари тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этишда бизнес-моделни «ягона ойна» тамойили асосида рақамли банкинг тизимига ўтказиш, банк таркибий тузилмасида инновацион бўлимларни ташкил этиш, турли компаниялар томонидан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган молиявий технологияларни сотиб олиш ҳамда амалиётда қўллаш устувор ривожланиш йўналишлари эканлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган йўналишлар, ўз навбатида, тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкил этиш тартиби, ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳамда ташкилий механизмларнинг таркибий тузилмасини белгилаб беради.

Тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкилий механизмларини ишлаб чиқишга нисбатан услубий ёндашувларнинг қиёсий таҳлилига кўра, анъанавий банк хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат кураши шароитида хусусий бизнес моделларни илмий асосланган ишланмаларга таянган ҳолда шакллантириш, фаолиятни ташкил этишда «мижозга йўналтириш» тамойилига риоя этиш, технологик ривожланиш ва рақамлаштириш жараёнларида рақобат афзалликларини яратиш учун хусусий платформалар ва экотизимларни ишлаб чиқиш бўйича чоратadbирларни фаоллаштириш, шунингдек, инновацион фаолият самарадорлигини таъминлаш учун ташкилий механизмларнинг таркиби ва ўзаро узвийлигини эътиборга олиб, уларнинг тизимли параметрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш керак деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «Тижорат банклари инновацион фаолиятининг жорий ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида тижорат банкларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда, тижорат банкларида инновацион фаолиятни ташкилий механизмларининг жорий ҳолати таҳлили асосида эътиборга молик тенденциялар аниқланган ҳамда инновацион фаолиятини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотларга кўра, халқаро EMV стандартларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш имконини берувчи QR-online тизими орқали амалга оширилган тўловларнинг оммабоплигини ошириш ва кўламини кенгайтириш, банкларнинг Ягона маълумотлар омбори (Data Warehouse) ва бизнес таҳлил тизимини халқаро стандарт талаблари асосида ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Шу билан бир қаторда, тижорат банкларида автоматлаштирилган банк тизимининг дастурий таъминотини модернизациялаш, мижозлар билан муносабатларни бошқариш тизимини амалиётга жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мазкур вазифаларга мос равишда тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясида инновацияларни ташкил этишга онд масалалар устуворлик касб этмоқда.

Фикримизча, банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда мақсад ва вазифаларни белгилаш борасида бир қатор муаммолар

мавжуд. Хусусан, илмий тадқиқот ишида таҳлил қилинган банк стратегияларида инновацион фаолият ва унинг инфратузилмасини шакллантириш масаласига эътибор қаратилмаган. Бу эса, банкларнинг инновацион фаолиятини ташкил этишдаги жиддий муаммолардан бири эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот давомида тижорат банкларининг инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш мақсадида операцион даромадлар ва харажатлар, шунингдек операцион рентабеллик даражаси таҳлил этилди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, республика банк тизимида операцион самарадорлик кўрсаткичи 2021 йил якунида 29,8 фоизни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 3,5 фоиз пунктига ошган. Шунга қарамадан, тижорат банклари операцион даромадлари ва харажатларининг ўсиш динамикасидаги номуносиблик сақланиб қолмоқда. Сўнги беш йил давомида операцион даромадлар ҳажми 189,1 фоизга ошган бўлса, операцион харажатлар 213,9 фоизга кўпайган. Юзага келган номуносиблик ҳолати, биринчи навбатда, масофавий банк хизматларини кўрсатиш сервислари, мобил иловалар ва улар орқали таклиф этилаётган янги турдаги инновацион хизматлар, шунингдек, хизмат кўрсатиш марказлари тармоғининг кўпайиши билан боғлиқ харажатлар ҳажмининг ошиб бориши билан изоҳланади.

1-жадвал

Республика банк тизими фаолиятининг операцион самарадорлиги динамикаси¹⁴

т/р	Кўрсаткичлар номи ва ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	Ўсиш суръати, %
1	Операцион даромадлар, млрд. сўм	6 238,4	6 916,8	6 564,1	9 619,5	11 801,4	189,1
2	Операцион харажатлар, млрд. сўм	1 643,7	1 942,7	1 342,6	2 855,8	3 516,4	213,9
3	Операцион рентабеллик даражаси, %	26,3	28,1	20,4	29,7	29,8	113,3

Тадқиқотнинг кейинги босқичида «Капитал банк» АТБ, «Ипак Йўли» АИТБ ва «Трастбанк» ХАБ банкларининг операцион самарадорлигини баҳолаш мақсадида таққослама таҳлил амалга оширилди.

2-жадвал маълумотларига кўра, «Капитал банк» АТБ ва «Ипак Йўли» АИТБ операцион самарадорлик кўрсаткичлари ўсиш тенденциясини намоён қилган бўлса, «Трастбанк» ХАБда мазкур кўрсаткич пасайиб борган. Хусусан, «Капитал банк» АТБ операцион рентабеллик кўрсаткичи 2017-2021 йиллар давомида 31,6 фоиздан 60,1 фоизгача, «Ипак Йўли» АИТБда 54,3 фоиздан 75,9 фоизгача кўпайган. Мазкур кўрсаткич «Трастбанк» ХАБда 19,0 фоиздан 14,8 фоизгача пасайган. Таҳлил қилинган банкларнинг дастлабки иккисида даромадлар ва харажатлари динамикасидаги

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

тенденциялар умумреспублика миқёсидаги тенденцияларга тўлиқ мос келади. «Капитал банк» АТБда номутаносиблик даражаси деярли 3,7 баробарни ташкил этган бўлса, «Ипак Йўли» АИТБ да 106,0 фоиз пунктига тенг бўлган. Бунинг асосий сабаби сўнгги беш йил давомида банкларни техник модернизациялаш, янги хизмат кўрсатиш марказларини очиш, мижозларга тегишли шарт-шароит яратиш бўйича харажатлар ҳажмининг ошиб бориши билан изоҳланади.

2-жадвал

Тижорат банкларида операцион самарадорлик кўрсаткичларининг таққослама таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар номи ва ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	Ўсиш суръати, %
«Капитал банк» АТБ¹⁵							
1	Операцион даромадлар, млрд. сўм	178,6	359,6	363,8	476,9	694,9	389,1
2	Операцион харажатлар, млрд. сўм	56,5	194,2	226,8	293,1	417,1	738,2
3	Операцион рентабеллик даражаси (CIR), %	31,6	54	62,3	61,4	60,1	190,2
«Ипак Йўли» АИТБ¹⁶							
1	Операцион даромадлар, млрд. сўм	254,2	316,3	365,6	403,3	677,4	266,5
2	Операцион харажатлар, млрд. сўм	138,1	222,6	267,3	335,3	514,4	372,5
3	Операцион рентабеллик даражаси (CIR), %	54,3	70,3	73,1	83,1	75,9	139,8
«Трастбаню» ХАБ¹⁷							
1	Операцион даромадлар, млрд. сўм	86,3	104,1	119,4	137,9	151,6	175,6
2	Операцион харажатлар, млрд. сўм	16,4	14,1	15,1	16,3	18,8	115,2
3	Операцион рентабеллик даражаси (CIR), %	19,0	13,5	12,6	11,8	14,8	77,9

Бугунги кунда тижорат банкларида операцион даромадларни шакллантиришнинг устувор манбалари сифатида эътироф этилаётган инновацион хизматларнинг динамик таҳлили «Ипак йўли» АИТБ маълумотлари асосида амалга оширилди.


2-расмдан кўринадики, «Ипак Йўли» АИТБ мобил иловаси орқали кўрсатилаётган Р2Р хизмати 2017 йилда мавжуд бўлмаган, 2021 йил якунида эса унинг ҳажми 2 280 176 млн. сўмдан ошиқроқни ташкил этган. Масофавий банк хизматлари ҳажми ушбу даврда 4 451 829 млн. сўмгача

¹⁵ «Капитал банк» АТБ маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁶ «Ипак йўли» АИТБ маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁷ «Трастбаню» ХАБ маълумотлари асосида тайёрланди.

ёки 100 баробардан ортик ошган. Кўрсатилаётган хизматлар динамикасидаги кескин ўсиш, техник ва дастурий таъминотдаги янгиликлар билан бир қаторда, маркетинг тадқиқотлари, хизматлардан фойдаланиш жараёнларини соддалаштириш, тегишли қулайликларни яратиш борасида банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини кўрсатиб беради.




2-расм. «Ипак Йўли» АИТБ мобил иловаси орқали амалга оширилган инновацион хизматлар ҳажми динамикаси, (млн. сўмда)¹⁸

Шу билан бир қаторда, «Ипак Йўли» АИТБ мобил иловаси орқали хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ инновацион хизматлар мижозлар томонидан ижобий баҳоланган.

3-расм маълумотларига кўра, «Ипак Йўли» АИТБ мобил иловаси орқали хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳажми 2017 йилда деярли нолга тенг бўлган бўлса, 2021 йил якунига келиб хорижий валюталарни сотиш операциялари қарийб 1 524 875 млн. сўмни, сотиб олиш операциялари эса 417 011 млн. сўмни ташкил этган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, банк томонидан валютага оид операцияларни амалга оширишда 24/7 режими жорий этиш мазкур фаолият йўналиши янада ривожланишини таъминлаб бермоқда.

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатмоқдаки, тижорат банкларида инновацион фаолиятнинг ривожланиши молиявий ресурслар билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

¹⁸ «Ипак Йўли» АИТБ молиявий кўрсаткичлари асосида тайёрланган



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларида инновацион фаолиятнинг ривожланиши молиявий ресурслар билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, инновацион фаолият натижалари бўлган мобил иловалар орқали таклиф этилаётган хизматлар сони ва ҳажмининг ошиб боришига қарамасдан маълум муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, банк операцион харажатлари таркибида инновацион инфратузилмани ривожлантириш харажатлари салмоғи камайиш тенденциясини намоён қилган.

3-жадвал
«Ипак Йўли» АИТБда инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун қилинган харажатлар динамикаси²⁰, (млн. сўм ва фоизда)

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун қилинган харажатлар ҳажми	млн. сўм	2 481	6 664	5 717	6 464	8 059
2.	Банкнинг операцион харажатлари	млн. сўм	138 123	222 638	267 358	335 353	514 492
3	Банк операцион харажатлари таркибидаги улуши	фоиз	1,79	2,99	2,14	1,93	0,98

¹⁹ «Ипак Йўли» АИТБ молиявий кўрсаткичлари асосида тайёрланган.

²⁰ «Ипак Йўли» АИТБ молиявий кўрсаткичлари асосида тайёрланган.

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, 2017 йилда бундай харажатлар улуши 1,79 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 2,99 фоизгача ошган. Аммо 2019-2021 йиллар давомида 2,14 фоиздан 0,98 фоизгача пасайган. Мазкур вазият республика бўйича ташкил этилаётган хизмат кўрсатиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Банкларда инновацион фаолият натижаларини баҳолаш бўйича кўплаб моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, аксарият қисми кўп омилли таҳлил услубитига асосланган. Шунга қарамадан, мутлоқ ва ёки сифат кўрсаткичлари орқали ифодаланиши мумкин бўлмаган, аммо инновацион фаолиятнинг ташкилий механизмларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи омиллар эътибордан четда қолганлиги аниқланди.

Илмий тадқиқотнинг кейинги босқичида «Ипак Йўли» АИТБ инновацион фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида кўп омилли эконометрик модел ишлаб чиқилди. Инновацион фаолият самарадорлигини математик моделлаштириш жараёнида асосий боғлиқ ўзгарувчи (Dependent variable – Y) ва унга таъсир этувчи бир қатор омиллар (independent variables – X) олинди. Математик моделлаштиришда банк инновацион фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи мезон сифатида операцион даромадлар ҳажми белгиланди.

4-жадвал

«Ипак Йўли» АИТБ инновацион фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари

Ўзгарувчилар (Variable)	Кoeffициент (Coefficient)	Станд. хатолик (Std.Error)	T-статистика (t-Statistic)	Эхт.-лик (Prob.)
Константа ©	17,62875	7,959152	2,21	0,054
(X ₃) – Ln(Mob_val sotuv)	0,0898502	0,1290865	0,70	0,504
(X ₄) – Ln(Mob_val xarid)	0,5603499	0,5485865	1,02	0,334
(X ₅) – Ln(Masof_hizmat)	0,6113435	0,648359	0,94	0,370
(X ₆) – Dasturiy taminot harajati	-1,213102	0,2999366	-4,04	0,003
(X ₁₀) – Mob yangi xizmat soni	-0,0165625	0,0811551	-0,20	0,843
Effects Specification				
R ² - (R-squared)	0,9057	Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси (Mean dependent var)		12,18657
Мослашган R ² (Adjusted R-squared)	0,8009	Стандарт огиш (S.D. dependent var)		0,7003352
Регр. станд. хатолиги (S.E. of regression)	8,4402145	Акаике мезони (Akaike info criterion)		35,50863
Қолдиқлар квадратлари йингидиси (Sums squared resid)	0,8787035	Шварц мезони (Schwarz criterion)		46,79541
Логорифмик ҳақиқатга яқинлик (Log likelihood)	- 435,6150	Дарбин-Уотсон статистикаси Durbin-Watson stat		1,872224
F-статистика (F-statistic)	8,64	Эхтимоллик (F-стат.) Prob (F-statistic)		0,1169

4-жадвал маълумотларига кўра, F-statistikasi 8,64 га тенг бўлганлиги (F-critical минимуми 1,65238 дан юқори эканлиги) учун барча ўзгарувчилар умумлашлаган ҳолда операцион даромадга таъсир кўрсатади. Мазкур жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида кўп омилли регрессион модел куйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = 17,62875 + 0,0898502\text{Ln}(X_3) + 0,5603499\text{Ln}(X_4) + 0,6113435\text{Ln}(X_5) - 1,213102(X_6) - 0,0165625(X_{10}).$$

Кўп омилли регрессион модел маълумотлари кўрсатадики, X_3 – банкнинг мобил иловаси орқали амалга оширилган валюта конвертацияси бўйича операциялар ҳажмининг бир бирликка ошиши операцион даромадларнинг 0,09 бирликка, X_4 – банкнинг мобил иловаси орқали амалга оширилган валюта хариди бўйича операциялар ҳажмининг бир бирликка ошиши операцион даромадларни 0,56 бирликка ҳамда X_5 – масофавий банк хизматлари бўйича амалга оширилган операциялар ҳажмининг бир бирликка ошиши операцион даромадларни 0,61 бирликка ошишига олиб келади. Айни пайтнинг ўзида, X_6 – дастурий таъминот ва бошқа турдаги информацион-коммуникацион хусусиятдаги харажатлар ҳажмининг бир бирликка кўпайиши жорий ҳолатда операцион даромадларни 1,21 бирликка, X_{10} – банкнинг мобил иловасига киритилган янги хизматлар сонининг бир бирликка кўпайиши операцион даромадларнинг 0,02 бирликка камайишига сабабчи бўлади.

